

TAKE THE BACK TYPE OF YOUR CHOICE RESEARCH

A.N. Khudoyarov
Professor

M. Yuldasheva,

D. Karimova
Independent Researchers,

N. Beknazarov
Undergraduate, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

Annotation

With the help of technology aimed at minimal tillage and the combined unit that implements it, the cotton fields are softened and fertilized during the last season, and this is softened and fertilized.

New ridges will be formed for sowing next year. The analysis of the selection of the type of working body of the unit that pushes the unit is presented in the research. It was found that in order to achieve energy efficiency in soil tillage and ensure its quality grinding, the working bodies of the ridge should be equipped with spherical disks.

Keywords. Combined unit, experiment, type of pile picker, research, style, pile picker, pile height, resistance to gravity, fraction composition.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили ҳамда олиб борилган тадқиқот натижалари асосида пахта етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат пахта ҳосилидан бўшаган далалар кузда шудгорланмайди, фақат уларда ўтган мавсумдаги суғориш эгатларининг ичигина юмшатилади ва ўғитланади ҳамда шу юмшатиладиган ва ўғитланган жойларда келгуси йили чигит экиш учун янги пушталар ҳосил қилинади [1,2].

Бу технологияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегат иш органлари ўрнатиладиган ва уларни турли масофалар ҳамда чуқурликларда сошлаш имконини берувчи рама, агрегатни тракторга осиб учун мўлжалланган ўрнатгичлар, чуқур юмшаткич, пушта олгичлар, ўғит бункерлари, ўғит солгич-тақсимлагичлар ва таянч ғилдиракларидан ташкил топган бўлиб, асосий иш органлари тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи юмшаткичлар, юмшатиладиган қатламга лентасимон усулда ўғитлаш учун ўғитлаш қурилмаси ҳамда юмшатиладиган ва ўғитланган қатлам устига пушта ҳосил қилувчи пушта олгичлар ҳисобланади. Юмшаткичлар рамага излари оралиғи 1800 мм этиб жойлаштирилган бўлиб, ғўза қатор ораларини суғориш учун ўтган мавсумдаги эгатлар ичини 30-40 см чуқурликда юмшатади,

комбинациялашган агрегат иш жараёни куйидагича кечади: ўғитлаш қурилмаси юмшаткич томонидан юмшатиш қатлам туби ва унга нисбатан 30-40 см баландликка лентасимон усулда ўғит солиб кетади, пушта олгичлар юмшатиш ҳамда ўғитланган йўлларга ўтган мавсумдаги пушталар тупроғини ағдариб янги пушталар ҳосил қилади [3,4].

Комбинациялашган агрегат пушта олгич турини танлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар пушта олгични учта вариантида (1-расм) олиб борилди, яъни 1-вариантда ГХ-4 пушта олгичининг иш органи, 2-вариантда ПД-4-45 плагининг юқори корпуси ва 3-вариантда ТДБ-3/5 боронанинг сферик диски иш органилари танлаб олинди ҳамда таққослов синовларидан ўтказилди.



а



б



в

а-ГХ-4 пушта олгични эгат очгич иш органи; б-икки ярусли ПД-4-45 плагини юқори корпуси; в- ТДБ-3/5 боронанинг сферик диски.

1-расм. Пушта олгич иш органини вариантлари.

Пушта олгич иш органини таққослов синовлари вариантлари бўйича куйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказилди: тортишга бўлган қаршиликлар; ҳосил бўлган пушта баландлиги; тупроқни майдаланиш сифати.




Синовлар агрегатнинг 5,0 ва 7,0 км/соат ҳаракат тезликларида ўтказилди. Тажиба синов натижалари куйидаги жадвалда ҳамда 2-расмда келтирилган.

Пушта олгичнинг вариантлар бўйича иш кўрсаткичлари

Пушта олгич вариантлари	Фракция таркиби, % ўлчамлари, мм			Пушта баландлиги, см		Юмшатиш қатлам қалинлиги, см		Тортишга бўлган қаршилик, кН
	>100	100-50	<50	М _{ўр}	± σ	М _{ўр}	± σ	
ГХ-4 пушта олгич иш органи	11,13	14,43	74,44	25,5	1,29	70,8	1,48	3,34
	9,77	10,73	79,5	27,8	0,98	73,9	1,08	4,89
ПД-4-45 плагини корпуси	13,97	11,3	74,73	17,8	1,85	57,5	1,63	3,31
	10,97	13,16	75,87	15,9	2,08	60,8	1,92	4,05
ТДБ-3/5 боронани сферик диски	9,20	12,17	78,63	30,3	1,28	73,5	1,42	2,37
	8,53	11,8	79,67	28,9	1,92	74,9	1,08	2,55



Изоҳ: Агрегат тезлиги: сураат-5,0 км/соат; маҳраж-6,5 км/соат

Олинган натижалар бўйича пушта олгични турли варинатлари бўйича ҳосил бўлган пушталарни умумий ҳолатлари ўрганиб чиқилганда, биринчи ва учинчи вариантдаги иш органлари ҳосил қилган пушталар қўйилган талабларга жавоб бериши аниқланди. Ўтказилган тажрибаларда пушта олгич вариантлари бўйича пушта баландлиги ишлаб чиқилган услубга асосан аниқланди ҳамда олинган натижалар асосида пушта олгични вариантлар бўйича ҳосил бўлган пушталарни кўндаланг кесим профиллари қурилди (2-расм).



а

б



а-ГХ-4 пушта олгич иш органи ёрдамида ҳосил бўлган пушта;

б-икки ярусли ПД-4-45 плагини юқори корпуси ёрдамида ҳосил бўлган пушта;

в- ТДБ-3/5 сферик диск ёрдамида ҳосил бўлган пушта;

 -агрегат тезлиги 5,0 км/соат бўлганда;

 -агрегат тезлиги 6,5 км/соат бўлганда.

2-расм. Пушта олгични турли вариантлари бўйича ҳосил қилинган пуштани умумий кўринишлари ҳамда уларнинг кўндаланг кесим профиллари

Ўтказилган тажриба натижалари бўйича пушта олгич иш органининг вариантлари бўйича ҳосил қилинган пушта баландлиги ҳамда уни формаси бўйича сферик диск ҳамда пушта олгичнинг эгат очгичи талаб даражасидаги натижаларни кўрсатди. Лекин тупроқни майдаланиш сифати эса сферик дискли иш органида юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бундан ташқари дискни айланиши ҳисобига ўсимлик қолдиқларини тикилиши кузатилмади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, пушта ҳосил қилишда дискли иш органларидан фойдаланилганда иш орган билан тупроқнинг ишқаланиши дискнинг айланиши ҳисобига юз бермади, бу эса ўз навбатида пушта ҳосил қилишдаги энергия сарфини камайтиради.

Демак, олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида шунинг таъкидлаш мумкинки, тупроққа ишлов беришда энергиятежамкорлигига эришиш ва уни сифатли майдаланишини таъминлаш учун пушта олгич иш органилар сферик дисклар билан жиҳозланиши лозим.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Худоев А.Н. Тупроққа ишлов беришнинг янги усули ва уни амалга оширувчи техник қурилма // ТошДТУ ХАБАРЛАРИ- Т., 2007. – №4. –Б.59-64.
- 2.A.N.Hudayarov, M.Mamadaliyev, M.Yuldasheva, R.Muradov Power-efficient method of tillage and its technology model //European science review Austria, Vienna January-February. №1-2, 2017 212-214
- 3.Худоев А.Н. Комбинированный агрегат для минимальной обработки // Техника в сельском хозяйстве. Москва, –2009. – №6. –С.56-57.
- 4.А.Н. Худоев, И. А. Назиржонов, М.А.Юлдашева, Р.Х. Мурадов. Пушта олгич диаметрини ва ўрнатилиш бурчагини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар// ФарПИ Илмий-техника журналы 2017й.,Том 21, №2